

Аёлнинг ўз кучига ишончи — **ЭНГ КАТТА НАТИЖА** 4-с.

Ёшларнинг **БИР ЙИЛЛИК МЕҲНАТИ** савол остида қолмасин... 5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№67 (2395)

2026 ЙИЛ 22 АВГУСТ, ШАНБА

Mahalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 ИЛ — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ИЙЛИ”



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” АЪЗОЛАРИ ВА МАҲАЛЛАДОШЛАРГА МУРОЖААТИ

Мурожаатда **маҳалла раисларига** — ҳудуднинг иқтисодий имкониятларини бирлаштириш ва “еттилик” фаолиятини ягона натижага йўналтириш, **ҳоким ёрдамчиларига** — ишлайдиган, бозори ва истиқболи бор лойиҳаларни шакллантириш, **“маҳалла банкир”ларига** — ташаббусни пухта молиявий ечимга айлантириш вазифалари юкланмоқда. Мурожаатнинг бош ғояси эса бир жумлада мужассам: **маҳалладаги ҳар бир ҳаракат инсон ҳаётидаги ижобий ўзгариш билан ўлчаниши керак.**

Мурожаатнинг тўлиқ матнини 2-саҳифада ўқинг.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

ХОРАЗМНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ: тарих, тараққиёт ва имкониятлар уйғунлиги

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ҳар бир ташрифи воҳа аҳли учун алоҳида воқеага айланади.



Бу галги ташриф ҳам истисно бўлмади. Давлатимиз раҳбарини Хоразм заминида кўриш, янги объектлар фаолияти билан танишиши, одамлар билан мулоқот қилиши, энг муҳими, ҳудуднинг бугунги тараққиёти ва эртанги салоҳиятига дахлдор вазифаларни белгилаб бериши барчамизга катта қувонч ва янги ишонч бағишлади.

Мен маҳалла раиси сифатида Президент ташрифининг бир жиҳатига алоҳида эътибор бердим: бугун маҳаллада амалга оширилаётган ишлар энди фақат бир ҳудуднинг ободлиги ёки аҳоли турмуш шароитини яхшилаш билан чекланмаяпти. Маҳалла ҳудудида барпо этилаётган таълим, касб-ҳунар, туризм, транспорт ва хизмат кўрсатиш объектлари бутун воҳанинг иқтисодий келажагига хизмат қиладиган катта тизимнинг бир қисмига айланмоқда.

“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”

БИР ЮРТ, БИР ЮРАК, БИР ОРЗУ



Баъзи кунлар борки, улар тақвим саҳифасидаги оддий рақам эмас. Улар миллат тақдирини ўзгартирган, халқнинг қалбига муҳрланган, авлодлар хотирасида мангу яшайдиган муқаддас кунлардир.

1 сентябрь – ана шундай буюк сана.

Бу кунни ҳар гал қарши олганимизда, юрагимизда беихтиёр ғурур уйғонади. Кўзларимиз олдида мовий осмон бағрида ҳилпираётган байроғимиз, дилларни жўш урдирувчи мадҳиямиз, юртимизнинг обод шаҳарлари, сахий далалари, қадимий қадамжолари ва энг муҳими, бахтли инсонлар тимсоли гавдаланади.

Бугун мустақиллигимизга 35 йил тўлди.

Ўттиз беш йил...

Инсон умри учун салмоқли давр. Давлат тарихи учун эса буюк юксалишлар, синовлар ва ғалабаларга бой саҳифадир.

Бу йиллар шунчаки вақт эмас. Бу – эл-юртимизнинг матонати, халқимизнинг фидокорона меҳнати, она юртга муҳаббати, эзгу орзулари билан битилган шарафли достондир.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”



“Mahalla” мутолаасини шахсий эҳтиёж, деб биламан”

Дилшод ТОШПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Пахтакор тумани бўлими бошлиғи:

— Маҳалла тизимида ишлаш — ҳар куни юзлаб одамлар, турли тақдирлар ва янги қонун-қоидалар билан юзма-юз келиш, дегани. **Бугун хонамизда ўтириб, замондан орқада қолиб ишлай олмаймиз.** Маҳалла ходими, аввало, билимли, янгиликлардан хабардор ва маданиятли бўлиши шарт. Бунинг учун эса мутолаа керак.

Бўлим бошлиғи сифатида иш фаолиятимда энг биринчи ёрдамчи деб билганим, бу — **“Mahalla” газетаси** саналади. Шу боис унга **шахсан ўзим 2027 йил учун биринчилар қаторида обуна бўлдим.** Буни шунчаки мажбурият эмас, балки шахсий эҳтиёж, деб биламан. Барча маҳалла раисларини, ходимларини шу борада намуна кўрсатишга ундайман. Раислар қўлига газета тутяптими, демак, у янгиликдан бохабар, бир қадам олдинда, деганидир. Бас, шундай экан, ўзимиз ўқиб, намуна бўлайлик!

6-САҲИФА


КЎРИНМАС ДЕВОРЛАР ОРТИДАГИ ТАҚДИР: УЛАРГА КЎПРИК БЎЛИШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

18 ёш. Кўпчилик учун бу — орзу, катта режа ва мустақил ҳаёт бошланадиган давр. Аммо болалар уйида улғайган йигит ёки қизни айни палла баъзан қувончдан кўра, кўпроқ саволлар ўйга толдиради: “Энди қаерда яшайман? Қандай ишлайман? Рўзғоримни қандай тебратаман? Қийин вазиятда кимга мурожаат қиламан?”





Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси “ЭНГ ФАЙЗЛИ ҲОВЛИ”, “ЭНГ ОБОД КЎЧА” ВА “ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА” кўрик-танловини эълон қилди.



Бугун — 22 август куни “ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” лойиҳасида овоз бериш босқичи бошланади. Жараён 31 август соат 23:59 га қадар давом этади.



Қонунчилик палатаси депутатлари ГУЛИСТОН ва ШИРИН ШАҲАРЛАРИ ҳудудини кенгайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади.

Mahalla №67

2026 ЙИЛ 22 АВГУСТ, ШАНБА

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” АЪЗОЛАРИ ВА МАҲАЛЛАДОШЛАРГА МУРОЖААТИ

ҲУРМАТЛИ “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” АЪЗОЛАРИ! АЗИЗ МАҲАЛЛАДОШЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг энг муҳим мақсади — одамларнинг ҳаётини яхшилаш, уларни муносиб иш ва барқарор даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш, ҳар бир оиланинг фаровонлигига эришишдан иборатдир. Бу жараёнда маҳалла ҳал қилувчи бўғинга айланмоқда.

Жорий йилда меҳнат бозорига кириб келадиган 1 миллион 170 минг нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Шу боис ким иш излаяпти, ким касб ўрганмоқчи, кимнинг тадбиркорлик ғояси бор, ким ўз фаолиятини кенгайтириш истагида — ҳар бир фуқаронинг имкониятини ўрганиб, унга аниқ ва амалий ёрдам кўрсатиш маҳалланинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан маҳалла раиси ва “маҳалла банкири” ҳамкорлигининг янги тизими жорий этилди. Бугун республикадаги 8 992 та маҳаллада 3 095 нафар банк ходими фаолият кўрсатмоқда. Улар маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, янги лойиҳаларни шакллантириш ва фуқаролар бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

Жорий йилда “маҳалла банкир”лари кўмаги билан 521 631 нафар фуқаро бўйича аниқ буюртмалар шакллантирилиб, уларни микролойиҳалар орқали даромадли қилиш режалаштирилган. Бунинг амалий натижаси сифатида “Долзарб 40 кунлик” доирасида маҳалла раислари ва “маҳалла банкир”лари ҳамкорлигида 1,7 триллион сўмлик 26 209 та микролойиҳа ишга туширилганини таъкидлаш ўринли.

ОЛДИМИЗДА 181 МИНГ ОИЛАНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ, ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА КАМИДА 40 ТАДАН МИКРОЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОРҚАЛИ 360 МИНГДАН ОРТИҚ АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДЕК МУҲИМ ВАЗИФА ТУРИБДИ.

Бу мақсадлар учун “маҳалла банкир”лари ва ҳоким ёрдамчиларига 7,5 триллион сўм ресурс ажратилган. Шунингдек, маҳаллаларда саноат ва хизмат кўрсатиш бўйича 10 мингдан зиёд лойиҳани ишга тушириш учун 5 триллион сўм кредит маблағлари йўналтирилмоқда.

Демак, имконият ҳам, молиявий ресурс ҳам, зарур дастур ва механизмлар ҳам мавжуд. Бу жараёнда хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим, солиқ ва профилактика инспекторларидан катта ташаббус ва ташкилотчилик талаб этилади. Ҳар бирингизнинг йўналишингиз алоҳида бўлса-да, натижа умумий бўлиши керак. Кичик ташаббуслар ҳам эътиборингиз марказида бўлиши лозим. Бугун оддий кўринган бир ғоя эртага оиланинг доимий даромад манбаига, кейинчалик эса бошқалар учун ҳам иш ўрни яратадиган тадбиркорлик фаолиятига айланиши мумкин.



ЭНДИ АСОСИЙ МАСАЛА – ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН ОДАМЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ҲАР БИР ТАШАББУСНИ НАТИЖАГА ОЛИБ ЧИҚИШДИР.

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ!

Сиз фаолиятингизнинг устувор йўналиши сифатида “еттилик”нинг бошқа аъзолари ва “маҳалла банкири”нинг ишини бир мақсадга – аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратишингиз керак.

СИЗ АЙНИ ВАҚТДА МАҲАЛЛАНИНГ ИҚТИСОДИЙ БУЮРТМАЧИСИ СИФАТИДА ҲАР КУНИ ҲУДУДДАГИ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНГАН ҲОЛДА, УЛАРНИ ЛОЙИҲАГА АЙЛАНТИРИБ, “МАҲАЛЛА БАНКИРИ”ГА МУНТАЗАМ ТАҚДИМ ЭТИБ БОРИШИНГИЗ ЛОЗИМ.

Ҳар ҳафта амалга оширилган ишлар ва эришилган натижаларни муҳокама қилиб, ҳар бир масъулга аниқ, манзилли ва муддатли вазифалар белгилаш, уларнинг ижросини кузатиб бориш зарур. Унутманг, Сиз маҳалланинг ҳам эгаси, ҳам виждонисиз!

ҲУРМАТЛИ ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ!

Сиз маҳалланинг иқтисодий ривожланиши таъминланишида ҳал қилувчи ўринга эгасиз. Маҳаллада меҳнатга лаёқатли, аммо иш билан банд бўлмаган ҳар бир фуқаронинг лойиҳаси ва унга ечим топиш бўйича катта тажриба тўпладингиз.

КИМНИДИР МУНОСИБ ИШ ЎРНИГА ЖОЙЛАШТИРИШ, КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ, ЎЗ БИЗНЕСИНИ БОШЛАШИ УЧУН ДОИМИЙ РАВИШДА ЯҚИН КЎМАКЧИ БЎЛИШИНГИЗГА ИШОНАМИЗ.

Микролойиҳаларни танлашда маҳалланинг ер, сув, хомашё, инфратузилма ва бозор имкониятларидан келиб чиқиш, ажратилаётган ресурсларни ҳақиқатан ишлайдиган ва даромад келтирадиган йўналишларга сафарбар этишингиз мақсадга мувофиқ.

ҲУРМАТЛИ “МАҲАЛЛА БАНКИР”ЛАРИ!

Сизни маҳалладошлар нафақат кредит ажратиш, балки уларнинг ташаббус ва ғояларини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи сифатида қабул қилмоқдалар. Шу маънода кредит беришга режа ёки кўрсаткич сифатида эмас, балки фуқаронинг лойиҳаси қанчалик ҳаётий ва даромадли бўлишини таъминлашга эришиш муҳимдир.

ТАДБИРКОРЛИК ҚИЛИШ ИСТАГИДАГИ ФУҚАРО БИЛАН БИЗНЕС-РЕЖА УСТИДА ИШЛАШ, УНИНГ ТУШУМ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ, МОЛИЯВИЙ ИМКОНИЯТ ВА ХАТАРЛАРНИ ТУШУНТИРИШ, ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШДА АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРИШ — ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАНГИЗДИР.

АЗИЗ МАҲАЛЛАДОШЛАР!

Сизларни ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлишга чақирамиз.

Агар иш излаётган бўлсангиз, касб-ҳунар ўрганиш истагингиз бўлса, тадбиркорлик қилиш ёки ўз фаолиятингизни кенгайтириш бўйича ғоянгиз бўлса, буни “маҳалла етти-лиги” аъзолари рўёбга чиқаришда асосий кўмакчидир. Маҳаллада сизга ёрдам бериш учун давлатимиз томонидан масъуллар белгиланган. Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ташаббус билдиринг, маслаҳат сўранг, мавжуд кредит, субсидия, ссуда ва бошқа молиявий имкониятлардан фойдаланинг. Биз учун энг муҳими – “Сиздан мурожаат – биздан ечим” тамойилининг амалда ишлашидир.

АГАР МАСАЛАНГИЗ МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИДА ҲАЛ БЎЛМАСА, ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ “12-76” ҚИСҚА РАҚАМЛИ “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ”ГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

Биз учун энг муҳим натижа – ҳаётингиздаги ижобий ўзгаришдир. Сизнинг ишли, барқарор даромад манбаига эга бўлишингиз, ғоя ва ташаббусларингиз амалга ошиши маҳалладаги барча ишлар натижадорлигининг асосий мезонидир. Шу боис Сизнинг ғоя ва ташаббусларингиз йўлида барчамиз биргаликда масъулият билан ҳаракат қилайлик.





Ўзбекистонда банкдан қарз олувчиларнинг 29 фоизида БИТТАДАН ОРТИҚ КРЕДИТ МАВЖУД, бир қарз олувчига ўртача 1,7 та кредит тўғри келади.



Янгиқўрғон туманида аҳоли ТОМОРҚА ЕР МАЙДОНЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ масалаларига бағишланган амалий семинар ўтказилди.



Сурхондарёда январь-август ойларида ВАУЧЕР АСОСИДА КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИЛГАН фуқаролар сони 8 205 нафарга етди.

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

ХОРАЗМНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ:

тарих, тараққиёт ва имкониятлар уйғунлиги

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Зумрад ТОЖИБОЕВА,
Урганч шаҳридаги “Мустақиллик” маҳалласи раиси.

Президентимизнинг ташриф давомида Хоразм илғор касбий маҳорат техникуми ва унинг ҳудудида ташкил этилган Касблар шаҳарчасига ташриф буюргани биз учун, айниқса, қувонарли бўлди. Чунки бу мажмуа бизнинг маҳалламиз ҳудудида жойлашган. Суҳбатларда кўплаб йигит-қизлар “Қайси касбни эгалласам экан?”, “Ишни қаердан топаман?”, “Замонавий технологияларни қаерда ўрганаман?”, деб иккиланиб қоларди. Бугун эса бу саволларга ечим маҳалламизнинг ўзида топилди.

Техникум учун давлат бюджетидан 72,4 миллиард сўм ажратилиб, 5,2 гектар майдонда замонавий таълим мажмуаси барпо этилди. 1 минг 100 ўринли ўқув бинолари, ётоқхона, спорт зали, ошхона ва замонавий ўқув устахоналари — буларнинг барчаси ёшларни меҳнат бозорида ўз ўрнига эга мутахассис этиб тарбиялашга қаратилган.

Менимча, бу ердаги энг муҳим жиҳат — таълимнинг ҳаёт билан боғланганидир. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой ва Жанубий Корея тажрибаси асосида ўқитиш, дуал таълимни йўлга қўйиш, иш берувчилар билан ҳамкорлик қилиш, бу — ёшларга “касб эгалла”, деган қуруқ чақириқ эмас, балки унга касбни амалда ўрганиш ва келажакда иш ўрнига эга бўлиш имкониятини беришдир.


Касблар шаҳарчасидаги “Ўзинг ясаб кўр” тамойили ҳам менга жуда маъқул бўлди. Ёш бола ўз қизиқиши ва қобилиятини айнан амалий жараёнда яхшироқ англайди. Бугун ускуна олдида ишлаб кўрган, бирор нарсани ўз қўли билан ясаган ўқувчи эртага қайси касбни танлашини ҳам аниқроқ билади. Эътиборлиси, бу мажмуа фақат шу ерда таҳсил олаётган ёшлар учун эмас. Вилоятдаги касбий таълим муассасаларининг қарийб 4 минг 300 нафар ўқувчиси бу ердаги устахона ва лабораторияларда амалиёт ўташи мумкин.

Маҳалла раиси сифатида буни жуда муҳим натижа, деб биламан. Чунки маҳалланинг энг катта бойлиги — инсон. Айниқса, ёшлар. Агар маҳалладаги йигит-қиз касбли, билимли ва меҳнатга тайёр бўлса, унинг оиласи ҳам, маҳалласи ҳам, жамият ҳам ютади.



Президентимиз ташрифида доирасида қатор тарихий жараёнларнинг гувоҳи бўлдик. Жумладан, давлатимиз раҳбари аэропорт ва темир йўлни боғлайдиган Ўзбекистондаги биринчи лойиҳа билан танишди. Хива шаҳрида Конгресс-холл, уч юлдузли меҳмонхона, “Хива Ичан қалъа” қабуллар уйи каби объектларнинг ишга туширилиши Хоразмнинг тарихий меросини замонавий туризм ва хизматлар иқтисодиёти билан уйғунлаштиришда муҳим қадамдир. Хивада режалаштирилаётган халқаро туристик шаҳарча эса бу жараённинг давоми бўлади.

Ташрифнинг яна бир эсда қоларли жиҳати — Президентимиз иштирокида вилоятда 176 миллион долларлик 12 та лойиҳа ишга туширилди. Ушбу лойиҳалар натижасида 6,6 мингта янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқоти учун илм-фан, ҳунармандчилик, савдо ва тадбиркорлик марказларидан бири бўлган кўҳна Хоразм замини танлангани ҳудуд янги имкониятлар марказига айланиб бораётганини англатади.



Умуман олганда, Президентимизнинг бу галги ташрифи биз, хоразмликларга нафақат катта қувонч, балки яна бир масъулиятни ҳам ҳис қилдирди. Давлат раҳбари ҳудудга келиб, имкониятларни яратиб, вазифаларни белгилаб бермоқда. Энди бу имкониятлардан самарали фойдаланиш, ҳар бир лойиҳани одамлар манфаатига хизмат қилдириш, маҳалладаги ҳар бир ёшнинг қобилиятини рўёбга чиқариш — биз, маҳалла фаоллари ва барча масъулларнинг вазифаси. Хоразмдаги бу янгиланишлар воҳанинг ҳар бир маҳалласига кириб бориб, одамлар ҳаётида ўзининг амалий ифодасини топишига ишонаман.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”

БИР ЮРТ, БИР ЮРАК, БИР ОРЗУ

(Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланади)



Иброҳимжон домла ИНОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси масъул ходими.

ОЗОДЛИКНИНГ БАҲОСИ

Мустақиллик...

Бу сўзни тилга олган ҳар бир инсон унинг замирида нечоғлик буюк маъно мужассамлигини ҳис қилади.

Мустақиллик, бу — фақат сиёсий эркинлик эмас.

Бу — инсоннинг қаддини тик тутиб яшаш ҳуқуқи.

Бу — она тилингда бемалол сўзлаш бахти.

Бу — миллий қадриятларингни эъзозлаш.

Бу — муқаддас динингни эркин адо этиш.

Бу — ўз тақдирингни ўзинг белгилаш имконияти.

Бу — Ватан деган буюк туйғуни юракнинг энг муқаддас бурчагида асраб яшашдир.

Бу неъматнинг ҳақиқий қадрини уни қўлдан бой берган халқлар яхши билади.

Дунёда шундай юртлар борки, болалар мактаб овозидан эмас, портлаш садосидан уйғонади. Оналар фарзандларини бағрига босиб эртанги кундан хавотирда яшайди. Қадим шаҳарлар харобага айланган, инсонлар эса тинч осмонни энг катта орзу, деб билади.

Шундай пайтларда инсон бир ҳақиқатни қалбан англайди:

Тинчлик — Аллоҳнинг энг улуғ неъмати.

Мустақиллик эса ана шу тинчликнинг мустаҳкам қалъасидир.

Она Ватан — она каби ягона.

Дунёда она ўрнини ҳеч ким босолмаганидек, Ватаннинг ҳам муқобили йўқ.

Унинг ҳар бир қарич тупроғи азиз. Унинг ҳар бир дарахти, ҳар бир булоғи, ҳар бир кўчаси инсон хотираси билан боғлиқ.

Кимдир илк бор мактабга шу ерда қадам қўйган.

Кимдир онасининг қўлидан ушлаб биринчи бор мустақил қадам ташлаган.

Кимдир илк муҳаббатини шу юртда учратган.

Кимдир фарзандининг илк “Она” деган сўзини шу тупроқда эшитган.

Шунинг учун ҳам Ватан инсон учун шунчаки яшайдиган жой эмас.

У — хотира.

У — муҳаббат.

У — қисмат.

У — ҳаётнинг ўзи.

ЯНГИ АВЛОД — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАЯНЧИ

Бугунги ёшлар кечаги авлод орзу қилган имкониятларга эга. Улар хорижнинг нуфузли университетларида таҳсил олмоқда. Илм-фанда кашфиёт қилмоқда. Спорт ареналарида Ўзбекистон байроғини баланд кўтармоқда. Ахборот технологиялари, сунъий интеллект, тиббиёт, муҳандислик, тадбиркорлик соҳаларида юртимиз номини дунёга танитмоқда.

Уларнинг кўзида қўрқув эмас – ишонч бор. Юрагида иккиланиш эмас – орзу бор.

Чунки мустақиллик уларга эркин фикрлашни, изланишни ва ўз иқтидорини намоён этиш имкониятини берди.

БАЙРОҚ БАЛАНД КЎТАРИЛГАН ЛАҲЗА...

Спорт мусобақасида ғолиб чиққан ўзбекистонлик спортчи шоҳсупага кўтарилади.

Мовий, оқ ва яшил рангли байроғимиз секин юқорига кўтарила бошлайди.

Мадҳиямиз янграйди.

Ана шу лаҳзада миллионлаб юраклар бир хил уради.

Кимдир кўз ёшига эрк беради.

Кимдир қўлини кўксига қўяди.

Кимдир фарзандига қараб: “Сен ҳам шу байроқни баланд кўтаргин”, деб ният қилади.

Чунки байроқ – шунчаки мато эмас.

Унда миллатнинг шаъни бор.

Мадҳия – шунчаки мусиқа эмас.

Унда халқнинг юраги уради.

Ватан – шунчаки ҳудуд эмас.

Унда бутун бир миллатнинг тарихи, ғурури ва келажаги мужассам.

МУСТАҚИЛЛИК — МУҚАДДАС ОМОНАТ

Мустақилликни фақат байрам қилишнинг ўзи камлик қилади. Уни асраш керак. Уни меҳнат билан мустаҳкамлаш лозим. Уни билим билан юксалтириш зарур. Уни ҳалоллик билан ҳимоя қилиш керак. Чунки бу неъмат бизга тайёр ҳолда берилмаган. Унинг ортида халқнинг сабри, жасорати ва эзгу орзулари мужассам.

ХАЛҚНИНГ БУЮК ҚУДРАТИ.

Сўнгги 35 йил давомида Ўзбекистон бутунлай янгича қиёфа касб этди.

Кечаги орзулар бугун ҳақиқатга айланди.

Замонавий шаҳарлар барпо этилди.

Юзлаб янги мактаблар, университетлар, болалар боғчалари, шифохоналар, саноат корхоналари ишга тушди.

Янги темир йўллар, аэропортлар, кўприклар ва автомобиль йўллари мамлакатни янада яқинлаштирди.

Лекин мамлакатнинг ҳақиқий қудрати бетон ва темирда эмас.

У инсон қалбида.

У меҳнаткаш қўлларда.

У илмга чанқоқ ёшларда.

У фарзанди учун тунларни бедор ўтказган оналар дуосида.

У Ватан осмонини қўриқлаётган ҳарбийнинг садоқатида.

У ўқитувчининг сабоғида.

У шифокорнинг меҳрида.

У деҳқоннинг пешона терида.

Ана шу меҳнатлар мамлакатнинг энг мустаҳкам пойдеворидир.

Энди эса уни келажак авлодга янада қудратли, янада фаровон, янада обод Ўзбекистон сифатида топшириш – ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

ВАТАНГА МУҲАББАТ — ЮРАК АМРИ

Ватанни севиш баланд-паровоз шиорлар билан эмас, ҳар кунги ҳалол меҳнат билан намоён бўлади. Кўчани озода сақлаш ҳам Ватанга муҳаббат. Бир туп кўчат экиш ҳам Ватанга муҳаббат. Билим олиш ҳам Ватанга муҳаббат. Ота-онани эъзозлаш ҳам Ватанга муҳаббат. Қонунга ҳурмат билан қараш ҳам Ватанга муҳаббат.

Чунки Ватан ҳар биримизнинг кичик амалларимиздан буюк келажак яратади.

ЭНГ БУЮК БОЙЛИК

Бугун биз тинч юртда яшаяпмиз. Фарзандларимиз мактабга эркин бормоқда. Масжидларимизда азон садоси янграмоқда. Кўчаларимизда болаларнинг кулгуси эшитилмоқда. Бунинг ўзи улкан бахт.

Шунинг учун ҳам мустақилликни қадрлаш, бу — ҳаётни қадрлаш демакдир.

Тинчликни асраш – келажакни асраш демакдир.

Ватанни севиш – ўзингни севиш демакдир.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Мустақиллигимизга 35 йил тўлди. Бу йиллар давомида Ўзбекистон ўз йўлини топди, ўз сўзини айтди, ўз нуфузини мустаҳкамлади.

Аммо энг катта ютуғимиз – халқимиз қалбидаги ишончдир. Ишонч бор жойда тараққиёт бўлади. Бирлик бор жойда қудрат бўлади. Меҳр бор жойда бахт бўлади. Ватанга муҳаббат бор жойда эса мустақиллик мангу яшайди.

Юрагимизда битта ният яшайди:

Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

Байроғимиз доимо баланд ҳилпирасин!

Онажонларимиз дуоси, отахонларимиз розилиги, фарзандларимиз кулгуси юртимизни тарк этмасин!

Аллоҳ азиз Ўзбекистонимизни тинчлик, фаровонлик, ҳамжиҳатлик ва баракадан айирмасин!

Мустақиллигимиз мангу бўлсин!



“ОИЛА ВА ГЕНДЕР” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ барқарор ривожланиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказди.



Шаҳрисабз шаҳрида “Анъанавий каштачилик ва ипак матолари санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида ХАЛҚАРО ФОРУМ БЎЛИБ ЎТДИ.



Ўзбекистонда янги ўқув йилидан КИЧИК ҚУВВАТЛИ “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА йўналишларида дуал таълим жорий этилади.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Жондор туманида меҳнатидан бахт топиб, ибратли ҳаёт кечираётган оилалар сафи кенгаймоқда. Ушотлик Мукаррам Азимова ва умр йўлдоши Зулфиқор Ҳаётовлар оиласи ҳам бунга яққол далил.

ГУЛЧИ ВА ТАНДИРСОЗ ХОНАДОНИДА:

ТАБИАТГА МЕҲР, ҲУНАРГА ИХЛОС ВА МАҲАЛЛАДОШЛАРГА ИБРАТ БОР

Улар 20 йилдан ортиқ вақтдан буён томорқачилик билан шуғулланиб, рўзғор эҳтиёжи учун мўл ҳосил етиштириш баробарида иссиқхона хўжалигини ҳам йўлга қўйган. Унда 20 турдан ортиқ анвойи гуллар парваришланади.



Хонадон бекасининг гулчиликка қизиқиши кўп йиллар аввал оддий ҳавасдан бошланган. Унинг фикрича, ўстирилаётган ҳар бир чечак табиатга ва меҳнатга бўлган меҳр ифодасидир. Бугун иссиқхонада геран, пеларгония, фикус, спатифиллум, сансиверия, замиокулькас, хлорофитум, алое Вера, каланхое, бегония, сенполия, бинафша, орхидея, антуриум каби кўплаб гул турлари етиштирилмоқда. Маҳалладошлар ҳам бу гулларга қизиқиб, ўз хонадонларида парвариш қилишмоқда.

Оила соҳиби Зулфиқор Ҳаётов эса ота-бобосидан ўрганган тандирсозлик ҳунарини давом эттяпти. Қишлоқда тандирга талаб юқори бўлгани боис, айниқса, ёз мавсумида бу ҳунардан яхши даромад олинади. Айни кунда ҳовлида ўндан ортиқ тандир тайёр ҳолда турибди.

Ибратли жиҳати, хонадоннинг томорқачилик, гулчилик ва тандирсозликдан бир йиллик даромади 100 миллион сўмдан кам эмас. Ҳалол меҳнат эвазига қўлга киритилаётган бу муваффақият оиланинг моддий таъминотини яхшилаш билан бирга, уларга меҳнат завқи, роҳат ва руҳий тетиклик бағишламоқда.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

АЁЛНИНГ ЎЗ КУЧИГА ИШОНЧИ — ЭНГ КАТТА НАТИЖА



Маҳаллада хотин-қизлар билан ишлаш жараёнида бир ҳақиқатга амин бўлдим: аёлга ёрдам бериш яхши, аммо ундан ҳам муҳими — уни ўз кучига ишонтириш, касбга ўргатиш ва мустақил даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашишдир.

Зокия ТОЖИЕВА,
Хатирчи туманидаги “Бунёдкор” ва “Маданият” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.



Идорамизга опа-сингилларимизнинг кўпчилиги “Аёллар дафтари”га рўйхатга олишимизни сўраб мурожаат қилишади. Шу орқали қизини ўқишга кириши учун тавсиянома олиш, касб-ҳунарга ўқиш ҳамда ўз тадбиркорлигини бошлашда имтиёзли кредитга эга бўлишни истовчилар сони анча. “Еттилик” вакиллари билан ҳар бир ҳолатни синчиклаб ўрганамиз, ҳақиқатан кўмакка муҳтожларни қўллаб-қувватлаймиз.

Аёларни қизиқиш ва имкониятидан келиб чиқиб, касбга йўналтиряпмиз. Жумладан, тикувчилик ва компьютер саводхонлиги бўйича 16 нафар хотин-қиз ўқитилди. Яна айримлари етакчи тадбиркорларга бириктирилиб, асаларичилик, чорвачилик, паррандачилик каби йўналишларга жалб этилди. Уй шароитида иш бошламоқчи бўлганларга имтиёзли кредит олишда кўмаклашдик.

Жорий йилда иккита маҳалла бўйича 44 нафар хотин-қиз ишсиз сифатида рўйхатга олинди. Уларнинг аксарияти банд қилинди, қолганларига керакли йўналишларда ёрдам кўрсатиляпти. Аммо иш ўрни таклиф қилишнинг ўзи кифоя эмас, инсонда меҳнат қилишга ички иштиёқ бўлиши керак.

Афсуски, айрим ҳолларда бир неча марта иш таклиф қилинса-да, турли сабаблар билан ундан воз кечиш ҳолатлари учрайди. Тикувчилик корхоналари, фермер хўжаликлари, паррандачилик ва имтиёзли кредит каби имкониятлар таклиф қилингани билан улардан фойдаланишни истамайдиганлар ҳам бор.

Бундай вазиятда ўзимизга савол беришимиз керак: **ёрдам инсонни мустақилликка олиб боряптими ёки уни тайёр кўмакка ўргатиб қўяптими?**

Албатта, ҳақиқий эҳтиёжманд оилага кўмак бериш — инсонийлик. Лекин меҳнат қилиш имконияти бор инсонни доимий равишда моддий қўллаб-қувватлаш унинг ўз кучига ишончини сусайтириши мумкин. Шунинг учун биз ҳар бир ҳолатда аёлни ишга, касбга ва даромад топишга йўналтиришга ҳаракат қиламиз.

Хотин-қизлар билан ишлашнинг яна бир муҳим йўналиши — тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш. Жорий йилда 15 нафар аёлга ҳимоя ордери берилди. Уларнинг аксарияти турмуш ўртоғининг қўпол муносабатидан азият чеккан. Айрим оилаларда низоларга ишсизлик ва ичкиликка ружу қўйиш сабаб бўляпти. Бундай оилалар билан нуронийлар иштирокида суҳбатлар ўтказиб, муаммони тинч йўл билан ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз.

Шу билан бирга, яхши натижага эришаётган хотин-қизлар ҳам кўп. Масалан, Шаҳноза Ашурова икки йилдан буён асаларичилик билан шуғулланиб, хўжалигини кенгайтиришга ҳаракат қиляпти. Оилавий чорвачилик билан бирга томорқасидан ҳам унумли фойдаланади. Энг муҳими, ҳаракат ва интилиши билан ўзи ва оиласининг фаровон турмуш кечиришига замин яратяпти. Зеро, маҳалла йўл кўрсатади, имконият яратади. Аммо натижа, аввало, инсоннинг ўзига боғлиқ.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Президентимиз фармони билан яқинда бир гуруҳ ташаббускорлар “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Улар орасида Гулистон шаҳридаги “Истиқлол коммунал хизмат таъмир” бошқарув-сервис компанияси раҳбари Замира Зулпихарова ҳам бор.

“Ҳар бир қийинчиликни тажриба ва сабоқ, деб билдим”



Ғулом ПРИМОВ,
журналист.

Замира опанинг коммунал соҳадаги меҳнат фаолияти 1996 йилда уста сифатида бошланган. Кейин муҳандис, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбари лавозимларида ишлаб, 2021 йилдан буён бошқарув-сервис компаниясига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Унинг касбий йўли осон кечмаган. Фаолиятининг дастлабки йилларида эскирган сув ва канализация тармоқлари, сув босган ертўлалар, авария ҳолатлари каби муаммоларни бартараф этишга тўғри келган. Ўша пайтда жамоадаги ягона аёл ходим бўлганига қарамай, қийинчиликлардан чекинмаган.

— Ҳар бир қийинчиликни тажриба ва сабоқ сифатида қабул қилдим, — дейди Замира Зулпихарова. — Бугунги натижаларимга сабр-тоқат, ҳалол меҳнат ва касбимга садоқат билан эришдим.

Бугун компания Гулистон шаҳридаги 138 та кўп қаватли уйда жойлашган 5 мингдан зиёд хонадонга коммунал хизмат кўрсатмоқда. Уйларнинг том ва ертўлалари, муҳандислик тармоқлари таъмирланиб, кириш йўлаклари, болалар майдончалари ва туташ ҳудудлар ободонлаштирилмоқда. Хусусан, “Бўстон” ва “Буюк келажак” маҳаллаларида канализация ва ичимлик суви тармоқлари янгиланиб, ёритиш тизимлари ва кузатув камералари ўрнатилди.

Компанияда аҳоли мурожаатларига тезкор муносабат билдириш мақсадида 24 соатлик диспетчерлик хизмати йўлга қўйилган. Кўп қаватли уйлар атрофига минглаб дарахт ва гул кўчатлари экилиб, аҳоли учун янада қулай ва обод муҳит яратилмоқда.

КУН МАВЗУСИ

Болангиз мактабга тайёрми? Сиз-чи?

Бола мактабга биринчи марта қадам қўяётганда, унинг қўлида янги сумка, елкасида ҳавас ва кўзларида қизиқиш бўлади. Ота-она эса ундан яхши баҳо, интизом ва ютуқлар кутади. Аммо тайёргарлик фақат кийим, дафтар ва китоб харид қилишдан иборат эмас. Энг муҳим ҳозирлик боланинг қалби ва оиладан бошланади.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА,
“Mahalla” мухбири.



— Боланинг ақлий ривожланишида ирсият билан бирга, уни ўраб турган муҳит ва тарбия ҳам катта аҳамиятга эга, — дейди болалар неврологи Умида Бобожонова. — Оилада китоб ўқиш, билим олиш, савол бериш ва изланиш қадрланса, болада ҳам бундай қизиқишлар шаклланиши осон кечади. Бироқ бола имкониятини фақат ирсият билан баҳолаш тўғри эмас. Унинг қобилиятини ривожлантириш учун доимий эътибор ва тўғри ёндашув зарур. Шу маънода, боланинг салоҳиятини ривожлантиришда фақат кўп маълумотни ёдлаш эмас, қизиқувчанлик, савол бериш, мустақил фикрлаш, хатосидан хулоса чиқариш, қийинчиликдан қочмаслик каби жиҳатлар муҳим саналади.

Тарзандининг аълочи, зеҳнли, тадбирларда фаол, устозлари ва тенгдошлари орасида ўз ўрнига эга бўлишини ҳар бир ота-она истайди. Бу табиий. Аммо баъзан “Нега болам фалончининг фарзандидек яхши ўқимайди?”, “Нима учун унинг хотираси кучсиз?”, “Нега дарсга қизиқмайди?”, деган саволлар пайдо бўлади.

Аслида эса боланинг ўқишдаги муваффақиятини фақат унинг туғма қобилияти билан изоҳлаб бўлмайди. Ирсиятнинг муайян таъсири бўлса-да, оиладаги муҳит, тарбия, мулоқот, рағбат, кун тартиби, таълимга муносабат ва боланинг руҳий ҳолати ҳам унинг ривожида муҳим ўрин тутади.

Айрим ота-оналар “Болам мактабга борганда ҳамма нарсани билиши керак”, деб ҳисоблайди. Албатта, ёшига мос равишда ўқиш, ёзиш, оддий ҳисоб-китобларни ўрганиш фойдали. Аммо мактабга тайёрлик фақат шу билан ўлчанмайди. Бола ўз кийимини тартибга келтира оладими? Буюмларини йиғишга одатланганми? Бирор вазифани охиригача бажаришни эплайдими? Катталар ёрдамисиз оддий қарор қабул қила оладими? Тенгдошлари билан келишиб ўйнайдими? Ана шу кўникмалар ҳам мактаб ҳаётида жуда муҳим саналади.

“Фақат беш олиб кел!”, “Сен, албатта, аълочи бўлишинг керак!”, “Фалончининг боласига қара!” — бундай гаплар баъзан яхши ният билан айтилади. Лекин доимий таққослаш болада “Мен ота-онамнинг талабига жавоб бермасам, улар мени яхши кўрмайди”, деган қўрқувни пайдо қилиши мумкин. Шунинг учун натижа билан бирга ҳаракатни ҳам қадрлаш лозим.

“Бугун кечагидан кўпроқ ҳаракат қилдинг”, “Мана бу масалани ўзинг ечдинг”, “Қийналсанг ҳам ташлаб қўймадинг” каби сўзлар болага ўз меҳнати натижа беришини англатади. Руҳлантириш болани мақташдан ҳам кенгроқ тушунча. Унда “Мен уддалай оламан”, деган ишончни шакллантиришдир.

Мактаб ўқувчиси учун кун тартиби муҳим. Дарс, дам олиш, ўйин, жисмоний фаоллик, китоб ўқиш ва уйқу учун етарли вақт бўлиши керак. Аммо барча режани ота-она тузиб бериши шарт эмас. Аксинча, болага юмушларини мустақил режалаштиришни ўргатиш мумкин. Бу оддий кўринган машқ кейинчалик катта ҳаётий кўникмага айланади.

Хуллас, боланинг мактабдаги муваффақияти фақат яхши баҳо билан эмас, балки унинг қизиқувчанлиги, мустақил фикрлаши ва қийинчиликдан қўрқмаслиги билан белгиланади. Бу фазилатларни шакллантиришда ота-онанинг меҳри, эътибори ва тўғри муносабати муҳим.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



Ўзбекистонда олийгоҳларда энди КУННИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ташкил этилади.



Тошкентда ЮНЕСКО шафелигидаги МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ ташкил этилди.



МАКТАБЛАРДА янги ўқув йили 2 сентябрдан, ОЛИЙГОҲЛАРДА 1-босқич талабаларига 7 сентябрдан, юқори босқич талабаларига эса 14 сентябрдан бошланади.

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



КЎЧАГА ЭМАС, ИМКОНИЯТГА ЕТАКЛАЙДИГАН МУҲИТ КЕРАК!



Ҳар бир ёш адашиши мумкин. Чунки ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тўлиқ кўрмаган, ким яхши, ким ёмон йўлга бошлаётганини ҳар доим ҳам ажрата олмайди. Аммо биз, катталар бунга бепарво қарашга ҳаққимиз йўқ. Бир қарашда оддий туюлган бекорчилик эртага жиноятга, нотўғри дўстлик эса бегона ғояларга эргашишга олиб бориши мумкин.

Восиджон ОМАДЖОНОВ,
Хонобод шаҳридаги “Хонтоғ” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Менимча, бундай ҳолатларнинг олдини олиш фақат ёшларнинг ўзига боғлиқ эмас. **Бола таълим олса, тарбияси эътиборда бўлса, ота-онаси унинг қизиқиши, орзуси ва кимлар билан дўстлашаётганигача билса, у нотўғри йўлга кириб кетиши анча қийин.** Қаровсиз қолган йигит-қизлар эса эътибор қаердан келса, ўша томонга эргашиб кетиши мумкин.

Йил бошида маҳалламизда уч нафар ёш назоратга олинди. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида ишлашга тўғри келди. Мутасаддилар муаммоли ёшларнинг ҳолидан хабар олиш учун ҳар ҳафта хонадонига кириб, оиласи билан гаплашади, нимага эҳтиёжи борлигини, қандай муаммо қийнаётганини ўрганади. Шундай ёшларимиздан бири дарс қолдиришни одат қилган эди. Ота-онаси ҳам уни назорат қилишга қийналиб қолди ва биздан ёрдам сўради. Биз ота-онаси билан бирга уни доимий кузатувга олдик. Маълум бўлишича, бола кўчада кўп юрадиган одат чиқарган, юриш-туриши, гап-сўзлари ҳам ўзгариб қолган экан. Онаси бундан хавотирда эди.

Бир куни у мактабга кетдим, деб уйдан чиққан. Биз эса қаерга боришини кузатдик. Кўчада бир гуруҳ ўғил-қизлар билан юрганини кўрдик. Уларнинг ҳолатидан ҳам қаровсиз қолган болалар экани сезилиб турарди. Маҳалладошимиз ҳам вақтининг кўп қисмини айнан шу даврада ўтказаётган экан. Вазиятни тушунгач, уни бу муҳитдан ажратдик. Мактабдан уйигача назорат ўрнатдик, унга керакли мутахассисларни бириктирдик. Энг муҳими, болани шунчаки “муаммоли”, деб четга сурмадик. Нима сабабдан бундай бўлаётганини тушунишга ҳаракат қилдик.

Бугун маҳалламизда 645 нафар ёш бор. Уларнинг ҳар бири алоҳида бир тақдир, алоҳида бир имконият. Кимдир спортда ўзини кўрсатмоқда. Маҳалламиз оғир атлетика ва тош кўтариш йўналишларига ихтисослашгани учун бу соҳада яхши натижаларимиз бор. Ижодда ҳам ёшларнинг овози баланд. Севара Холмонова сеҳрли овози билан кўплаб танловларда қатнашиб, республика миқёсида фахрли ўринларни эгаллади. Бугун эса “Овоз” лойиҳасида иштирок этяпти. Ёшлар орасида “Келажак бунёдкори” номинациясини олганлар ҳам бор.

Ҳар пайшанба — ёшлар куни. Шу куни ташкилотлар вакиллари ёшлар билан учрашиб, уларнинг фикрларини эшитади. Бугун маҳалламизда аввалгидек муаммоли ёшлар қолмаган.

Мурожаатлар эса бошқа томонга ўзгарган: кимдир шартнома тўловига ёрдам сўрайди, кимдир иш излайди, яна кимдир ижтимоий ҳимояга ёки даволаниш учун моддий кўмакка муҳтож. Шундай ёшларни қўллаб-қувватлашнинг яхши намуналаридан бири — Нилуфар Мўминованинг хонадонида ташкил этилган тикув устахонасидир. Ҳоким ёрдамчиси ва ҳомийлар кўмагида тикув машиналари олиб берилди. Турмуш ўртоғи ҳовлисидаги бир хонани чевархонага айлантириб берди. Бугун унинг ёнида бир нечта қиз ишлаяпти. Корхоналар тайёр хомашёни олиб келади, тикиш усулларини ўргатади ва тайёр маҳсулот учун ҳақ тўлайди. Яъни ёш қиз уйида ўтириб ҳам ҳунар ўрганмоқда, ҳам ўз меҳнатидан даромад топмоқда.

Хуллас, маҳалламизда ёшларнинг ҳар бир ташаббуси, фикри ва муаммоси “еттилик”, ота-оналар, таълим муассасалари эътиборида. Айнан шу ёндашув туфайли бугун маҳалламиз ёшлар ишсизлиги, жиноятчилигидан холи ҳудудга айланиб боряпти.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

ТАЪЛИМ

ЁШЛАРНИНГ БИР ЙИЛЛИК МЕҲНАТИ САВОЛ ОСТИДА ҚОЛМАСИН...



Имтиҳонлар тугади. Энди абитуриентлар натижаларини ҳисоблаб, кимдир талаба бўлганини нишонлаяпти, кимдир эса бир неча балл етишмагани учун кейинги йилни ўйлаяпти. Ана шу пайтда миллий сертификат атрофидаги баҳс яна авж олди: сертификат қоладими, ўзгарадими ёки умуман бекор қилинадими?

Шаҳноза ХАЛИЛОВА,
“Mahalla” мухбири.

Бу саволнинг ўзиёқ бир нарсани кўрсатади. **Абитуриент имтиҳонга киришидан олдин “қайси билимни чуқурроқ ўргансам, қандай тайёрлансам, натижам қандай баҳоланади?”, деган саволларга аниқ жавоб бўлиши керак.** Имтиҳон тугагандан кейин қоиданинг ўзи муҳокамага чиқса, бу фақат сертификат масаласи эмас — таълим тизимига ишонч масаласига айланади.

Миллий сертификат ғоясининг ўзига эътироз қилиш қийин. **Фанни яхши ўзлаштирган абитуриентнинг билимини алоҳида баҳолаш, унинг натижасини қабул жараёнида инобатга олиш — мантиқли ёндашув.** Аммо муаммо сертификатнинг бор-йўқлигида эмас, унинг қабул тизимида қандай ишлаётганида.

Бугун буни яна бир ҳолат яққол кўрсатяпти. Айрим йўналишларда 189 балл олганлар ўқишга кирди, 188 ёки 187 балл олганлар эса киролмади. Рақобат бор жойда бундай ҳолат табиий, дейиш мумкин. Лекин 189 балл билан 188 балл ўртасида инсоннинг билими нуқтаи назаридан улкан фарқ бор, деб айтиш қийин. Бир балл кимнидир талаба, яна бировни эса бир йил кутишга мажбур қилади.

Шу ерда сертификатнинг баҳолаш усули ҳам муҳокамага тортилади. Одатий тестда абитуриент билмаган саволига ҳам вариантлардан бирини белгилаб кўриши мумкин. Тўртта вариантдан биттасини тасодифан тўғри топиш эҳтимоли бор. Албатта, бу билим эмас, лекин тест тизимининг ўзидаги имконият. Миллий сертификатда эса очиқ саволлар мавжуд. Бу ерда “билмасам ҳам белгилаб кўраман”, деган йўл анча тор. Жавобни ўзингиз шакллантиришингиз керак. Бу эса жуда муҳим саволни ўртага чиқаради: **биз ёшларни билим олишга тайёрлаяпмизми ёки муайян тестга мослаштиряпмизми?**

Чунки сертификат борлиги сабабли уни олишга тайёрланган абитуриентнинг имтиҳонга тайёргарлик усули бошқача. Репетитор, курс, қўшимча дарс — ҳаммаси сертификат имтиҳонига мослашади. Агар кейин тизим кескин ўзгарса, унинг бир неча ойлик ёки йиллик меҳнати қаерда қолади?

Шу сабаб сертификатни ҳозироқ бекор қилиш ҳам осон ва адолатли ечим эмас. Айниқса, унга ишониб тайёрланган, маблағ ва вақт сарфлаган ёшлар учун бу қоидани ўйин тугагандан кейин ўзгартиришдек қабул қилиниши мумкин. Лекин “кўпчилик тайёрланиб қўйди, демак, тизимни ўзгартирмайлик”, дейиш ҳам тўғри эмас. Агар баҳолашда, сертификатнинг қабулдаги таъсирида ёки унинг бошқа абитуриентлар билан муносабатида муаммо бор бўлса, бу муаммони кўриб чиқиш керак. **Менимча, катта муаммо сертификатнинг бекор бўлишида эмас, кейинги йил абитуриенти нимага тайёрланишини билмай қолишида.**

Бугун мактаб ўқувчиси ёки абитуриент олдида бир нечта йўл турибди: миллий сертификат олишми, умумий тестга урғу беришми, очиқ саволларга тайёрланишми? Шунинг учун баҳсни “сертификат яхши ёки ёмон”, деган икки оғиз гапга сиғдириб бўлмайди. Масала — адолатли баҳолаш, тенг рақобат ва олдиндан аниқ қоидаларда. Сертификат сақланса ҳам, ўзгарса ҳам, бекор қилинса ҳам бу масала ўқувчиларга олдиндан очиқланиши керак. Абитуриент нимага тайёрланишини билиши, ўз меҳнатини режалаштириши керак.

ФИКР

КАТТАЛАРНИНГ АЛАМИ УСТИДА БОЛАЛИК ЙЎҚОЛИБ КЕТМАСИН

Оилавий ажрашиш ҳақидаги қарорни одатда икки шахс қабул қилади. Аммо суд залидан чиқиб кетаётган ота-она билан бирга бу қарорни ўзича ҳазм қилишга мажбур бўлган яна бир инсон бор — фарзанд...



Марҳабо ЖЎРАЕВА.
Ғузор тумани.

Кеча унинг учун бир уй, бир дастурхон ва икки овоз одатий ҳаёт бўлган бўлса, бугун “Ойим билан қолсам, дадамни қачон кўраман?”, деган савол кундалик ўйига айланиши мумкин.

Маҳаллаларда бундай ҳолатлар кам эмас. Айрим ота-оналар ажралишдан кейин ҳам боласи учун мулоқот қилишга ҳаракат қилади. Аммо баъзан ранжиш ва ўтган можаролар фарзандининг ўртасига тушиб қолади. “Отасининг уйига борса, уни менга қарши қайрайди”, дейди она. Ота эса: “Мен фарзандимдан воз кечганим йўқ, фақат уни кўришга йўл тополмаяпман”, дейди. Ўртада эса ҳали катталарча тушунтиришга қодир бўлмаган бола қолади.

Психологлар бундай вазиятда боладан тараф танлашни талаб қилиш унинг ички дунёсида оғир зиддият пайдо қилишини таъкидлайди. Чунки бола учун ота ҳам, она ҳам бир-бирининг ўрнини босмайдиган яқин инсон. Шунинг учун ажралишдан кейин ҳам уни алоҳида яшайдиган ота ёки онаси, яқин қариндошлари билан кўришиши ва эркин мулоқот қилиши таъминланиши муҳим.

Яна бир муҳим жиҳат — боланинг фикри. Унинг ёши ва етуклик даражасига қараб, ҳаётига дахлдор қарорларда фикри эшитилиши керак. Болани “кимни танлайсан?”, деган савол олдида қолдириш эса унинг зиммасига катталарнинг юкини юклаш билан баробар.

Ажралишда эр-хотинлик муносабати тугаши мумкин, лекин ота-оналик масъулияти тугамайди. Бола ажралишнинг сабаби ҳам, воситаси ҳам эмас. У катталарнинг тугалланмаган аламлари орасида болалигини йўқотиб қўймаслиги керак.

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

Наманган шаҳридаги “Қадамжо” маҳалласида яшовчи Розия Аҳмаджонова ҳамда Маҳфуза Ҳамидхўжаева миллий каштачилик санъатига меҳр қўйиб, олти йилдан буён тажрибали уста-ҳунарманд Ҳакимжон Тожибоевдан соҳанинг нозик сир-асрорларини пухта ўрганяпти.

ҚЎЛДА БИТГАН НАҚШЛАРДА АЖДОДЛАР МЕРОСИ ЯШАЙДИ

Зулфия АҲАДОВА.

Ёш ҳунармандлар яратаётган ҳар бир санъат асари газлама танлашдан тортиб, нақшни матога тушириш, ипларни рангларни ранглаш, кашта тикиш каби 20 дан ортиқ мураккаб босқичлардан ўтади. Мазкур жараён буюмнинг мураккаблигига қараб 3-5 ой, айрим ҳолларда эса 1-2 йилгача давом этади. Каштачиликда ширмон, ой, гул, анор, бодом каби анъанавий нусхаларнинг қўлланилиши Наманган миллий каштачилигининг бой ва бетакрор анъаналарини яққол намоён этади.

Эътиборлиси шундаки, ўқувчи қизлар яратаётган миллий каштачилар нафақат юртимизда, балки АҚШ, Германия, Туркия ҳамда бир қатор Европа давлатларида ҳам харидоргир бўлиб, уларнинг баҳоси 300 минг сўмдан 70 миллион сўмгача етмоқда.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Қорақалпоғистонда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 101 ТА ЁШ ОИЛАГА ЯНГИ ХОНАДОНЛАРНИНГ калитлари топширилди.



Эндиликда ходимларнинг касаллик нафақаси тўғридан-тўғри “БАРАКА” ИЖТИМОИЙ КАРТАСИГА тушириб берилади.



Ўзбекистон олийгоҳларида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Мўғулистон фуқароларига 70 ТА ГРАНТ АЖРАТИЛДИ.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”



ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

БИР ИМКОНИЯТ, БИР ОЛАМ ОРЗУ

Баъзан инсоннинг имкониятини унинг жисмоний ҳолати эмас, балки унга яратилган шароит белгилайди. Ховос туманида яшовчи 12 ёшли Маҳмуджоннинг ҳаёт йўли ҳам бунинг яққол исботидир.

Азиза УСМОНОВА,
Ховос туманидаги “Истиқлол” маҳалласи ижтимоий ходими.



Маҳмуджон туғма саломатликдаги муаммоси сабаб оёқларида эркин ҳаракатлана олмайди. Бироқ бу ҳолат унинг билим олиш, спорт билан шуғулланиш ва тенгдошлари қатори ҳаёт кечириш орзусини сўндирмади. Бугун у икки қўлтиқтаёқ ёрдамида мустақил ҳаракатланади, мактабга қатнайди ва келажак учун аниқ мақсадлари бор.

Унинг ҳаётидаги муҳим бурилишлардан бири Президентимизнинг 2024 йил 8 ноябрдаги қарори ижроси доирасида бошланди. Ховос тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази унга давлат спорт иншоотларида бепул машғулот ўташ учун йўлланма берди. Шундан сўнг Маҳмуджон пара енгил атлетиканинг ядро улоқтириш йўналиши билан шуғуллана бошлади.

Спорт нафақат унинг жисмоний имкониятларини мустаҳкамлади, балки ўз кучига бўлган ишончини ҳам оширди. Машғулотлар орқали у янги мақсадлар қўйишни, интилишни ва ҳаракатдан тўхтамасликни ўрганяпти.

Кейинчалик Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига асосан, Маҳмуджон уй таълимидан инклюзив таълимга ўтказилди. У 6-синфни тенгдошлари билан бирга муваффақиятли тамомлади ва янги ўқув йилини мактабда қарши олиш арафасида.

Ёзги таътил кунлари ҳам унинг учун мазмунли ўтмоқда. Маҳмуджон жўжа ва қўзичоқлар парваришлайди. Ҳар куни уларга сув беради, ем-хашагидан хабар олади. Бу машғулотлар унда меҳнатсеварлик, масъулият ва мустақиллик каби муҳим фазилатларни шакллантирмоқда. Қолаверса, пара-велоспорт билан шуғулланмоқда.



Энг муҳими, бугун Маҳмуджон ўзини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис этмоқда. Синфдошлари билан бирга дарсда қатнашиши, дўстлар орттириши, спорт билан шуғулланиши ва кундалик ҳаётда фаол бўлиши унинг ижтимоий мослашувига катта ҳисса қўшмоқда.

Инклюзив таълимнинг энг катта ютуғи ҳам ана шунда. У алоҳида эҳтиёжли болаларга фақат таълим олиш имконини эмас, балки жамоага киришиш, мулоқот қилиш, ўз қобилиятини намоён этиш ва эртанги кунга ишонч билан қадам қўйишига шароит яратади. Бу эса нафақат бир боланинг, балки бутун жамиятнинг ютуғидир.

Маҳмуджоннинг ҳаёти бизга яна бир ҳақиқатни англатади: болага ишонч билдирилса, имконият яратилса ва ўз вақтида тўғри қўллаб-қувватланса, албатта, ўз салоҳиятини намоён этади. Инклюзив таълим эса ана шу имкониятлар эшигини очадиган энг муҳим тизимлардан биридир.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Кўринмас деворлар ортидаги тақдир: УЛАРГА КЎПРИК БЎЛИШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

18 ёш. Кўпчилик учун бу — орзу, катта режа ва мустақил ҳаёт бошланадиган давр. Аммо болалар уйида улғайган йигит ёки қизни айни палла баъзан қувончдан кўра, кўпроқ саволлар ўйга толдиради: “Энди қаерда яшайман? Қандай ишлайман? Рўзғоримни қандай тебратаман? Қийин вазиятда кимга мурожаат қиламан?”



Норой СОАТОВА,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бошқармаси бош мутахассиси.

Кечагина муассаса интизоми, тарбиячилар эътибори ва белгиланган кун тартибида яшаган ёш энди ўз ҳаёти учун ўзи қарор қабул қилиши керак. Унинг қўлида диплом ёки касб-кори бўлиши мумкин, аммо мустақил турмуш тажрибаси, руҳий тайёргарлиги ва энг муҳими, ишончли таянчи бўлмаса, катта ҳаёт эшиги олдида ўзини ёлғиз ҳис қилиши табиий.

Айнан шу нуқтада ижтимоий ҳимоя тизимининг ҳақиқий қиймати намоён бўлади. Чунки болани муассасада сақлашнинг ўзи етарли эмас. Уни эртанги кунга тайёрлаш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш ва мустақил ҳаётга кузатиб қўйиш ҳам давлат ва жамиятнинг муҳим вазифасидир.

Узоқ йиллар давомида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг тақдири, асосан, махсус муассасалар доирасида ҳал этилди. Бугун эса ёндашув ўзгармоқда: эътибор болани муассасага жойлаштиришга эмас, имкони борича оилада сақлаб қолиш, муқобил парвариш шаклларини ривожлантириш ва келажак ҳаётига тайёрлашга қаратилмоқда.

Маҳаллаларда ижтимоий ходимлар фаолиятининг йўлга қўйилгани ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда. Улар муаммонинг оқибатини эмас, келиб чиқиш сабабини ўрганиб, оилани сақлаб қолиш ва фарзанднинг яқинлари бағрида қолиши учун зарур ёрдамни ташкил этмоқда.

Бу — муҳим ўзгариш. Аммо бир савол очиқ қолади: **муассаса эшиги ёпилиши билан барча муаммолар ечим топадими?**

Жорий йилнинг олти ойида “Ёшларга ҳамроҳлик” дастури доирасида **2 851 нафар** йигит-қиз қамраб олинди. Уларга турли ижтимоий ёрдамлар учун **10,1 миллиард сўм** маблағ ажратилди, **331 нафар** ёш уй-жой билан таъминланди.

Рақамлар салмоқли. Аммо уларнинг ортида тақдирлар турибди. Шу боис асосий мезон “қанча ёшга ёрдам берилди?”, эмас, балки **“қанчаси ўз ҳаётини мустақил қуришга эришди?”,** деган савол бўлиши керак.

Уй-жой бериш — муҳим қадам. Лекин уни асраш, коммунал харажатларни қоплаш, барқарор даромад топиш ҳам зарур. Касб ўргатиш — имконият. Аммо унинг ортидан муносиб иш ўрнига эга бўлмаса, натижа тўлиқ бўлмайди. Ижтимоий ходимнинг ҳамроҳлиги эса ёшни доимий равишда етаклаб юриш эмас, балки уни мустақил қарор қабул қила оладиган даражага етказиш билан якунланиши керак.

Яна бир муҳим масала — жамиятнинг муносабати. Муассасада тарбияланган ёшга “етим” деган тамға билан эмас, тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида қараш лозим. Чунки унинг ўтмиши эмас, салоҳияти ва келажаги муҳим.

Энг самарали ҳимоя эса профилактикадан бошланади. Болани муассасага жойлаштиришдан олдин, оилада муаммо пайдо бўлган пайтдаёқ унга ёрдам бериш керак. Маҳалладаги ижтимоий ходимнинг асосий вазифаларидан бири ҳам шу — оиладаги хавфни барвақт аниқлаш ва фарзанднинг ота-она меҳридан ажралиб қолишининг олдини олиш.

Демак, “кўринмас деворлар”нинг қулаши — муҳим, аммо биринчи қадам. Энди улар ўрнида ишончли кўприклар қурилиши керак. Бу кўприкнинг устунлари — оила, таълим, касб, уй-жой, бандлик, руҳий қўмак ва инсон қадри.

Ислоҳотларнинг ҳақиқий натижаси рақамларда эмас, **кеча ёрдамга муҳтож бўлган ёшнинг бугун ўз кучига таяниб, эртанги кунига ишонч билан қадам қўя олишда кўринади**.

“Оғир кунларимизда **ёлғиз қолмадик...**”

Шўрчи туманидаги “Жойилма” маҳалласида яшовчи Бибинор Хидирова ҳаётнинг синовли кунларини бошдан кечирмоқда. Турмуш ўртоғи Бобораҳмат Хидиров I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс.

Маржон ТОШМУРОДОВА,
журналист.



БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Оилани қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий ходим Самандар Менглиев манзилли ишларни амалга оширди. Хонадон Ижтимоий реестрга киритилиб, болалар нафақаси тайинланди. Бибинор опа тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволаниши учун ордер берилди. Шунингдек, ижтимоий пакет доирасида хонадон таъмирлаб берилди.

“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиниб, оила аъзоларига психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Бобораҳмат Хидировнинг даволаниши учун ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалий ёрдам кўрсатилиб, “Фаол ҳаёт” дастури доирасида хизмат ташкил этилди.

Бибинор опага тиқув машинаси олиб берилиши эса оила учун янги имконият яратди. Энди у ўз меҳнати орқали даромад топиб, рўзғорини яхшилаш ҳаракатида. Фарзандлари Азиз ва Нурсултон математика тўгарагларига жалб қилинди, Азиз мактаб психологига йўналтирилди. Бибизайнаб боғчага имтиёзли тартибда жойлаштирилди.

Бугун хонадон вакилларига кўрсатилаётган манзилли кўмак уларнинг оғирини енгил қилиш баробарида, келажакка ишонч билан қадам ташлашига хизмат қилмоқда.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

ТАҚДИРЛАР

Инсон матонати ҲАЁТ СИНОВЛАРИДАН УСТУН

Тақдир баъзан кишини бир эмас, бир неча бор синайди. Аммо ҳар қандай ташвиш олдида инсонийликни сақлаб қолиш — чинакам матонат. Оққўрғон туманидаги “Элтамағали” маҳалласида яшовчи Мирсаид Шодибековнинг ҳаёти ана шундай сабр ва ирода намунасидир.



Отабек ЙЎЛДОШЕВ,
журналист.

Ўғлидан соғлиғи билан боғлиқ муаммолар билан яшади. Ёшлигида отасидан, бироз ўтиб, онасидан айрилди. Кейин тақдир уни ногирон жиянининг масъуллигини олишга мажбур қилди.

Орадан кўп ўтмай, Мирсаид йўл-транспорт ҳодисасига учраб, бир оёғидан айрилди. Оғир шароитга бардош бера олмаган турмуш ўртоғи ҳам уни тарк этди. Шундай бўлса-да, у жиянини ташлаб қўймади.

Ана шундай вазиятда маҳалла ходимлари Мирсаидга таянч бўлди. Ижтимоий ходим Гулҳаё Йўлдошева унинг ҳолини ўрганиб, Ижтимоий реестрга киритилишига, озиқ-овқат, кийим-кечак ва моддий ёрдам олишига кўмаклашди. Энг муҳими, Мирсаидга **протез оёқ олишда амалий ёрдам кўрсатилди.**

Бугун маҳалладош ва қариндошлар ҳам унинг ҳолидан хабар олиб туришади. Бу эса ижтимоий ҳимоянинг моҳияти фақат моддий кўмакда эмас, инсонни жамиятдан узиб қўймасликда ҳам эканини кўрсатади.

Мирсаиднинг ҳаёти оғир, аммо умидсиз эмас. **Унинг матонати бир ҳақиқатни эслатади: инсоннинг ҳақиқий кучи ўзидан ожизроқ инсонга таянч бўлишда сезилади.**



Кичик бизнес фаолиятида солиқ текширувларига 3 ЙИЛГА МОРАТОРИЙ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.



МОЛИЯВИЙ ЖАРИМАЛАР УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ ва ноқонуний ундирилган маблағларни қайтариш тартиби белгиланади.



Ўзбекистонда туристик стартапларга 1 МИЛЛИАРД СЎМГАЧА СУБСИДИЯ АЖРАТИШ тартиби тасдиқланди.

2026 ЙИЛ
22 АВГУСТ,
ШАНБА

Mahalla №67

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”



ТАРТИБ

РАҚАМЛИ ХИЗМАТНИНГ ҚИЙМАТИ — ФУҚАРОНИНГ ЙЎЛИ ҚИСҚАРГАНДА БИЛИНАДИ



Тасаввур қилинг: хизмат сафаридасиз. Бошқа ҳудудда ишлаяпсиз. Шу пайтда бир ҳужжатни нотариус орқали расмийлаштиришда сизнинг иштирокингиз керак бўлиб қолди. Илгари бундай вазиятда йўлни тўхтатиб, ортга қайтишдан бошқа чора қолмаслиги мумкин эди. Бир иш учун юзлаб километр йўл, сарфланган вақт, транспорт харажати ва энг муҳими — оворагарчилик.

Сожида ЭШМАТОВА,
журналист.

Энди эса айрим нотариал ҳаракатларни видеоконференцалоқа орқали масофадан туриб расмийлаштириш имконияти бор. Жорий йилдан бу жараённинг аниқ тартиби алоҳида — “Нотариал ҳаракатларни видеоконференцалоқа режими орқали амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан белгилаб қўйилди. Унда шахсни аниқлаш, видеомулоқотни ташкил этиш ва нотариал ҳаракатни расмийлаштириш каби масалалар тартибга солинган.

Бир қарашда бу оддий техник янгиликдек туюлади. Аслида эса масала анча чуқур. Чунки одамларнинг бу янгиликка муносабати ҳам турлича. Кимдир “жуда қулай экан”, дейди. Яна кимдир “масофадан туриб нотариус қандай қилиб шахсни аниқлайди?”, “ҳужжатнинг ҳақиқийлигига ким кафолат беради?”, “кейин муаммо чиқса-чи?”, деб хавотирланади.

Бу саволлар бежиз эмас. Одам учун нотариус орқали расмийлаштириладиган ҳужжат — оддий қоғоз эмас. У мол-мулк, ҳуқуқ, мажбурият ёки шахсий манфаат билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун рақамлаштиришда асосий масала фақат “бориб келиш осонлашдими?” эмас, балки ишонч ва “хавфсизлик сақланяптими?”, деган саволдир.

Шу жиҳатдан қараганда, масофадан нотариал хизмат кўрсатишнинг аҳамияти катта. Чунки хорижда, хизмат сафарида ёки бошқа ҳудудда бўлган одам бир ҳужжат учун йўлга чиқиб кетмасдан, қонун рухсат берган ҳолларда ўз иштирокини видеоконференцалоқа орқали таъминлаши мумкин. Лекин буни “энди нотариусга умуман бориш шарт эмас”, деб тушуниш ҳам тўғри эмас. Барча нотариал ҳаракатлар масофадан амалга оширилмайди. Қайси ҳолатларда видеоконференцалоқадан фойдаланиш мумкинлиги, шахсни аниқлаш ва ҳужжатни расмийлаштириш тартиби қонун билан белгиланади. Демак, гап нотариусни четлаб ўтишда эмас. Аксинча, одамни ортиқча йўлдан халос қилган ҳолда нотариал хизматни замонавий усулда ташкил этишда.

Солиқ, кадастр, банк ёки нотариатда рақамли хизматларнинг қадри ҳам шунда — одамнинг вақтини тежаса, ортиқча сарсон-гарчиликни камайтирса ва шу билан бирга ҳуқуқий кафолатни сақлаб қолса, бу шунчаки технология эмас, одамнинг кундалик ҳаётини енгиллаштирадиган ўзгариш. Сафар давом этади. Масала эса масофадан ҳал бўлиши мумкин.

МАҲАЛЛА МАНФААТИНИ АНГЛАГАН ОДАМ СОЛИҚДАН ҚОЧМАЙДИ

Инсон ўз қилаётган ишининг фойдасини, аввало, ўзи учун қандай наф келтиришини тушунса, унга кўп тушунтиришнинг ҳожати қолмайди. Мен солиқ соҳасида ишлаб, буни одамлар билан ишлаш жараёнида кўп бор кузатдим. Солиқни шунчаки давлат олдидаги мажбурият, деб эмас, ўз маҳалласига қайтадиган манфаат, деб англаган одамнинг муносабати ҳам бошқача бўлади.

Руслан БОБОЕВ,
Шўрчи туманидаги “Тўла”, “Янгиариқ”, “Олатемир”, “Ялти”, “Тамаддун”, “Бахшитепа-1”, “Оққамар” маҳаллалари солиқ инспектори.

Жорий йилда маҳаллаларда солиқ тўламаган бирорта хонадон қолмади. Биргина “Тўла” маҳалласида аҳолига ҳисобланган 1 миллиард 585 миллион сўмлик солиқ тўловлари тўлиқ ундирилди ва белгиланган кўрсаткич 100 фоиздан ортиқ бажарилди.

Биз ҳам ишни айнан шу тушунчани одамларга етказишдан бошладик. **Солиқ тушумлари ўз вақтида бажарилса, бундан, аввало, маҳалла манфаатдор бўлишини, йиғилган маблағлар кўча, йўл, ободончилик ва инфратузилмага хизмат қилишини тушунтирдик.** Бу ишда “еттилик” аъзолари, айниқса, нуроний отахонларимизнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар маҳалланинг ҳар бир қарич ерини ўзига қадрдон, одамларини эса оға-ини, яқинидек билади. Шу боис уларнинг гапида одамлар ҳам ўзига яраша маъно топади.

Натижа эса кўз ўнгимизда кўринди. **Маҳаллаларимиз 15 октябрни кутиб ўтирмай, солиқларни тўлиқ тўлаб, давлат олдидаги фуқаролик бурчини адо этди.** Ўтган йили ҳам тасарруфимдаги маҳаллаларда солиқ тушумлари ўз вақтида бажарилгани учун 2 миллиард сўм маблағ ажратилган эди. Шу маблағ ҳисобидан 30 та кўча асфальт қилинди. Қолаверса, тўланган солиқларнинг 10 фоизи маҳалла бюджетига қайтиб, маҳалланинг ўзидаги муаммоларни ҳал этишга хизмат қилмоқда. Жумладан, ичимлик сув билан боғлиқ ишлар ҳам амалга оширилди. Одамлар натижани кўргани сари солиқ тўлашга бўлган муносабати ҳам ўзгарди.

Энг қувонарлиси, бу натижага республикада биринчилардан бўлиб эришилди. Бунда ўтган йилги рағбатнинг ҳам таъсири бор, албатта. Лекин, менимча, энг катта ўзгариш одамларнинг солиқнинг натижасини кўра бошлаганида юз берди. Нуронийларимиз бу йил ҳам **“Давлатимиз бераётган рағбатни биринчилардан бўлиб олайлик, маҳалламизни янада обод қилайлик”,** деб ишга ўзлари бош-қош бўлдилар.

Албатта, ҳар бир оиланинг имконияти бир хил эмас. Ҳар бир маҳаллада ижтимоий кўмакка муҳтож икки-учта хонадон учраши мумкин. Бундай пайтда ҳам маҳалланинг аҳиллиги иш беради. Саховатпеша тадбиркорларимиз, ҳомийларимиз шундай оилалардан хабар олиб, имкон қадар кўмаклашмоқда. Шунда солиқ тўлаш маданияти фақатгина давлат олдидаги мажбурият бўлиб қолмай, одамларни бир-бирига яқинлаштирадиган, ҳамжиҳатлик ва инсонпарварликни кучайтирадиган қадриятга айланаётганини кўряпмиз.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ



Бу натижаларнинг ортида ўзига яраша меҳнат, сабр ва тинимсиз ҳаракат бор. “Бўрининг боқувчиси — унинг оёқлари”, дейишади. Солиқчи учун ҳам ишнинг сири шунда: бир жойда ўтириб, натижа қутиб бўлмайди. Ҳар тонг йўлга чиққанимда, маҳаллаларга бориб, одамлар билан юзма-юз гаплашишим, солиқ тўлашнинг бурч ва манфаатларини эслатиб туришим керак. Бир лаҳза сусткашлик қилсак, “кейинроқ тўласак ҳам бўлаверади”, деган қараш пайдо бўлиши мумкин.


Шунинг учун кун давомида ақлан ҳам, жисмонан ҳам чарчайдиган пайтларим кўп. Аммо кун охирида қилган ишларимни сарҳисоб қилиб, одамларнинг солиқларини ўз вақтида тўлаб, маҳалласи ободлигига ҳисса қўшаётганини кўрсам, чарчоғим тарқайди. Энг муҳими, касбимни виждонан бажарганимни ҳис қилиб, кўнглим хотиржам бўлади.

Шу ўринда бир таклифим ҳам бор. Чекка қишлоқларда ёши катта оила бошлиқларининг айримлари солиқ тўловларини телефон орқали амалга ошириш имкониятидан ҳали етарлича фойдалана олмайди. Шунинг учун улар шаҳар марказига бориб, тўлов кассалари олдида соатлаб навбат кутишга мажбур бўлмоқда. Агар ҳар бир маҳалланинг ўзида солиқ тўловларини амалга ошириш учун қулай тўлов қурилмалари ўрнатилса, айниқса, ёши катта фуқаролар учун енгиллик бўларди.

БИЛАСИЗМИ?

БИР ҚАРАШДА ОДДИЙ, ЛЕКИН ОҚИБАТИ ЖИДДИЙ МАСАЛА...


Кўпчилик ижарага дўкон, омбор ёки бошқа кўчмас мулк олганда, шартнома тузиб қўйишнинг ўзи етарли, деб ўйлайди. Аслида эса ижара шартномасини белгиланган тартибда “E-ijara” тизимида рўйхатдан ўтказиш ҳам муҳим.



Нега деганда, ҳисобга қўйилмаган ижара шартномаси асосида фойдаланилаётган кўчмас мулкда сақланаётган товар-моддий захиралар инвентаризация вақтида ҳисобга олинмаслиги мумкин. Содда қилиб айтганда, “E-ijara”да рўйхатдан ўтмаган омбордаги товарлар солиқ солиш мақсадида мавжуд эмас, деб баҳоланиши мумкин. Бу эса тадбиркор учун жиддий солиқ оқибатларини келтириб чиқаради.

Солиқ кодексининг 223-моддасига кўра, ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда мавжуд эмаслиги солиқ базасини яшириш ёки камайтириб кўрсатиш, деб баҳоланади. Бундай ҳолатда яширилган солиқ базасининг 20 фоизи миқдорида жарима қўлланади. Бундан ташқари, товарлар сотилган деб саналиб, 12 фоиз ҚҚС ҳам ҳисобланади.

Шунинг учун ижарага олинган дўкон ёки омборда товар сақлаётган тадбиркорлар шартномани фақат тузиб қўйиш билан чекланмасдан, уни “E-ijara” тизимида ўз вақтида рўйхатдан ўтказишлари керак. Бу кейинчалик қўшимча солиқ ва катта жарималарга дуч келмаслик учун муҳим.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

ҚУЛАЙЛИК

ТАДБИРКОРНИНГ ВАҚТИ ТЕЖАЛСА, ИМКОНИЯТИ ОРТАДИ

Мен ҳисоб тизимида ишлайман. Шунинг учун тадбиркор ва фермерлар учун яратилаётган қулайликларни четдан эмас, ҳар куни иш жараёнида кўриб турибман. Илгари бирор масала бўлса, улар вилоятга бориб келишга мажбур бўларди. Ҳозир кўпгина масалалар туман даражасида ҳал бўлаётгани ишимизни анча енгиллаштирди.



Анора ПЎЛАТОВА,
“Солиқ-сервис” АЖ масъул ходими.

Айниқса, янги ташкил этилган тадбиркорларга дастлабки олти ой давомида солиқ ва молиявий ҳисоботларни юборишда “Солиқ-сервис” АЖ бепул хизмат кўрсатиши амалда яхши самара бераётганини кўряпмиз. Янги иш бошлаган тадбиркорнинг энг катта ташвиши — ишини йўлга қўйиш. Ҳисобот, солиқ, муддат каби масалалар эса баъзан уни чалғитиб қўяди. Энди эса шу жараёнда уларга ёрдам берадиган тизим бор.

Бизда ҳам бунинг натижаси сезиляпти. Масалан, тадбиркорнинг шахсий кабинетига хабарнома келади. Биз уни кўриб чиқамиз, нимада камчилик борлигини аниқлаймиз. Агар масала солиқ ҳисоботи билан боғлиқ бўлса, солиқ ходимлари билан биргаликда тушунтириб, камчиликни тўғрилашга ҳаракат қиламиз. Илгари тадбиркор бир хатони тузатиш учун қаерга боришни, кимга мурожаат қилишни билмай сарсон бўлиши мумкин эди. Ҳозир эса масала жойида кўриб чиқилиб, ечимини топиш осонлашяпти.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказларининг “Солиқ-сервис” АЖ тасарруфига ўтказилиши ҳам биз учун катта қулайлик бўлди. Чунки фермернинг асосий иши — ерга қараш, ҳосил етиштириш, хўжаликни юритиш. Ҳисоб-китоб ва ҳисобот масалаларида эса мутахассис ёрдами керак бўлади.

Мен бу ўзгаришларнинг энг катта фойдасини битта нарсада кўряпман: тадбиркор муаммо билан ёлғиз қолмаяпти. Хато бўлса, хабар берилади, тушунтирилади, тўғрилаш имкони бор. Биз ҳам, ўз навбатида, тадбиркор ва фермерларга яқинроқ бўлиб, уларнинг ишини енгиллаштиришга ҳаракат қиляпмиз.

Қоғоздаги ҳар қандай янгиликнинг қиймати унинг амалда одамга қанча енгиллик бериши билан ўлчанади. Бугун тадбиркорнинг ортиқча йўлга, ортиқча харажатга вақти кетмаяпти, ҳисоботдаги камчиликни ўз вақтида кўриб, тўғрилаш имкони бор. Биз учун асосий натижа ҳам шу.



Қашқадарёда волейбол бўйича “ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ КУБОГИ”нинг Республика финал босқичи бошланди.



Андижонда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТ ЛОЙИҲАЛАРИ НАТИЖАЛАРИ муҳокама қилинди.



“ҚОРА ДОРИ — 2026” ТЕЗКОР-ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРИда Избоскан туманида 11 килограммдан ортиқ “Марихуана” гиёҳвандлик моддасини сотаётган шахс қўлга олинди.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

“ОДАМЛАР НАЗОРАТДАН ҚЎРҚИШ ЭМАС, ҚОНУНГА АМАЛ ҚИЛИШНИ ЎРГАНДИ”



Тонг отди. Қуёш нурлари Косонсойнинг сўлим тоғлари ортидан мўралаб, боғларимизга нур соча бошлади. Мен учун янги, масъулиятли кун бошланди. Маҳалла бўйлаб юрар эканман, елкасида кетмон билан далага шошилаётган деҳқоннинг, боғида куймаланаётган отахоннинг хотиржам нигоҳига кўзим тушади. Уларнинг табассум билан сўрашиши қалбимга чексиз қувонч беради. Мана шу инсонларнинг тинч, хотиржам яшаб, меҳнат қилишида ўз ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Шукуржон ТУРСУНОВ, Косонсой туманидаги “Обод” маҳалласи профилактика катта инспектори.

Ҳудудимиз қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош, 6 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган сайёҳлик маркази. Халқимизнинг асосий ризқи — боғдорчилик ва деҳқончиликдан. Одамларимиз меҳнаткаш, ер билан тиллашади. Шу билан бирга, машҳур “Косонсой” сиҳатгоҳи жойлашган. Бу ерга нафақат вилоятдошларимиз, балки республикамизнинг турли гўшаларидан, ҳатто хориждан ҳам юзлаб дам олувчилар келишади. Бу эса зиммамдаги масъулиятни икки карра оширади. Ҳар бир меҳмонни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш кундалик вазифамга айланган. Мусофирнинг хавфсизлиги — юртимиз нуфузи дегани.

Ишимдаги бош мезон — одамлар қалбига йўл топиш, уларнинг дарди билан яшаш. Хизмат хонам — шу маҳалла кўчалари, хонадонлар. Ҳар бир оиланинг қувончи, ташвишидан хабардор бўлишга ҳаракат қиламан. Бирор фуқаро мурожаат билан келса, эртага қолдирмайман. Чунки ўз вақтида берилган жавоб, ечилган муаммо инсонда қонунга ва давлатга бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Профилактика фақат жазолаш ёки назорат қилишдан иборат эмас. Энг аввало, инсонга ёрдам беришдир. Айниқса, назоратда турган, ҳаётда адашган шахслар билан манзилли, кўз-кўзга тушиб ишлаш тизимини йўлга қўйганмиз. Уларни жамиятга, оиласига қайтариш-га, ижтимоий мослашишига кўмаклашамиз. Кимгадир иш топишга ёрдамлашамиз, кимнингдир оилавий низосини тинглаб, йўл кўрсатамиз. Самимий суҳбат, берилган ижтимоий кўмак ўз натижасини куттирмаяпти. Кеча адашган инсон бугун оиласини боқаётган ҳалол меҳнаткашга айланяпти.

Жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш — тинимсиз меҳнат маҳсули. Маҳалламиз номига муносиб равишда обод ва тинч бўлиши, чегара ҳудудда яшовчи аҳолимиз тунда хотиржам ухлаши учун ҳар доим шайман. Одамларнинг ишончи ва осойишта ҳаёти — мен учун энг олий мукофот.



ТАҲЛИЛ

“ЖИНОЯТЛАРНИ ЖИЛОВЛАШДА ТАҚИҚ ЭМАС, ТАДҚИҚ ЙЎЛИДАН БОРДИК”

Урганч шаҳридаги “Мустақиллик” маҳалласидаги уйларнинг бирида истиқомат қилувчи фуқаро Х.О.нинг хонадонида тез-тез оилавий жанжаллар келиб чиқар эди. Бу эса нафақат қўни-қўшниларнинг ҳаловатини бузар, балки ҳудуднинг осойишталигига ҳам раҳна соларди.

Камолбек ОДАМБОЕВ, Хоразм вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи.

“Еттилик” ходимлари ва профилактика инспектори ушбу хонадонга мунтазам ташриф буюриб, ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатгач, оилада соғлом муҳит тикланди. Бу маҳалланинг умумий криминоген вазияти яхшиланишига хизмат қилди.

Дарҳақиқат, тинчлик, осойишталик, аввало, ижтимоий муҳитга бевосита боғлиқ. Маҳалла тинч бўлса — юрт тинч бўлади. Шу боис, бугунги кунда ҳудудларни жиноятчиликдан холи қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бу борада Хоразм вилояти ИИБ ва маҳалла фаоллари ҳамкорлигида амалга оширилаётган тизимли ишлар ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, Янгиариқ туманидаги “Янгиобод” ҳамда Урганч шаҳридаги “Мустақиллик” маҳаллалари яқингача жиноятчилик нисбатан кўп содир этиладиган “қизил” тоифада эди. Бугун вазият ижобий томонга ўзгарди. Бунинг замирида катта меҳнат ва жамоатчиликнинг ҳамжиҳатлиги ётибди.


Ҳар икки маҳаллада “Намунавий хавфсиз кўча” ва “Намунавий хавфсиз уй” тизими ташкил этилиб, масъул раҳбарлар шахсан бириктирилди. Аҳолининг тунги вақтда хавфсиз ҳаракатланиши учун кўчалар тўлиқ ёритилди. Ноқонуний қўчма савдо шохобчалари фаолияти тартибга солиниб, эгасиз ертўла ва томлар назоратга олинди.

Шу билан бирга, намунали хавфсиз кўча ва уйларга махсус маълумот берувчи белгилар ёпиштирилди. Оилавий низолар туфайли нотинч бўлган хонадонлардаги вазият эса мунтазам мониторинг қилиб борилмоқда. Атроф тўлиқ ободонлаштирилиб, илгари назоратдан четда қолган ва жиноят содир этилиши учун қулай бўлган 40 дан зиёд овлоқ жой бутунлай хавфсиз ҳудудга айлантирилди. Масалан, маҳаллалар четидаги қаровсиз ётган майдонлар тозаланиб, тунги чироқлар ҳамда видеокузатув камералари ўрнатилгач, бу ерлар аҳоли сайр қиладиган шинам масканларга айланди.

Жамоат жойлари ва кўчаларни рақамлаштириш қамрови ҳам кенгайтирилди. Жумладан, 30 дан ортиқ видеокузатув камералари ҳамда 70 дан зиёд тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Бу эса тунги вақтда ҳам хавфсизликни юқори даражада назорат қилиш имконини бермоқда. Аҳоли ва тадбиркорларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 200 нафар жисмоний ва юридик шахснинг мол-мулки қонуний тартибда қўриқловга олинди ҳамда зарур нуқталарга 20 дан ортиқ “ташвиш тугмачалари” ўрнатилди.

Жиноятчиликни жиловлашда нафақат техник воситалар, балки инсон омили ва масъулларнинг билим даражаси ҳам муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли, Ички ишлар вазирлиги академиясининг профессор-ўқитувчилари иштирокида “еттилик” ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, аҳоли билан манзилли ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган махсус маҳорат дарслари ўтказилди.

Жиноятларни жиловлашда тақиқ эмас, тадқиқ йўлидан бордик. Илмий ёндашув асосида уларнинг келиб чиқиши таҳлил қилиниб, олдини олишга қаратилган чоралар белгиланди. Бу каби замонавий профилактик тадбирлар натижасида ҳар икки маҳалла жиноятчиликдан холи ҳудудга айланди.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

БИРГИНА “МЕНГА НИМА”, ДЕГАН ФИКР ЎҒРИЛИККА ЙЎЛ ОЧАДИ

“Ҳалол меҳнат билан топилган ризқнинг баракаси бўлади”, дейди донишманд халқимиз. Айниқса, қишлоқ жойида кунни тунга улаб, иссиқ-совуққа чидаб чорва боқаётган деҳқону фермерларнинг меҳнати оғир. Бироқ, тайёрига айёр бўлиб, бировнинг пешона тери эвазига бойлик орттирмоқчи бўлган кимсаларнинг қилмиши ҳеч бир мезонга тўғри келмайди.



Конимех туманидаги “Қарақата” маҳалласида содир бўлган воқеа ҳам бунинг яққол исботидир. Ҳудудда жойлашган фермер хўжаликларининг биридан қиймати 9 миллион сўм бўлган уч бош майда шохли чорва молининг ғойиб бўлиши кўплаб саволларни пайдо қилди. Бу шунчаки йўқолиш эмас, балки уюшган ўғрилик экани тезда аён бўлди.

— *Одатда, бундай ўғриликларни иссиқ изидан топиш осон кечмайди,* ***— дейди “Қарақата” маҳалласи профилактика инспектори Элёр Умаров.*** *— Бироқ, айнан ўша кунлари кенг қамровли “Хавфсиз ва соғлом юрт” тезкор-профилактик тадбир давом этаётган эди. Айни шу тадбир доирасида жиноят изидан бориб, уч нафар гумонланувчи шахсни қўлга олдик.*

Энг ачинарлиси, улар Конимех туманига дам олиш мақсадида келиб, кейин ўзаро тил бириктирган ҳолда дала майдонидан қўйларни ўғирлаб кетишган. Ўғирланган чорва молларининг тақдири эса маҳаллий қушхонада якун топган. Улар тезгина сўйилиб, гўшт сифатида сотиб юборилган, пуллар эса шахсий эҳтиёжларга сарфланган. Воқеа жойидан топилган қўй терилари ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинди.

Суриштирув давомида жиноий гуруҳнинг қилмишлари шу биргина ҳолат билан чекланмагани аниқланди. Улар бундан аввал ҳам Конимех, Нурота ҳамда Ғиждувон тумани ҳудудларида чорва молларини яширинча ўғирлаб, гўшт пулини ўзлаштириб келишган.

Гувоҳ бўлганингиздек, ҳеч бир қилмиш қонун ҳимоячилари назаридан четда қолмайди. Аммо бу каби воқеалар чорвадор ва фермерлар учун катта сабоқ бўлиши керак. Фуқароларнинг ўз мулкига нисбатан эътиборсизлиги, молларни далаларда қаровсиз қолдириши қинғир ниятли кимсаларга қўл келмоқда. Шу боис, ўз мулкингизни асраш учун доимо сергак ва эҳтиёткор бўлинг.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 359 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-820